

ОФИЦЕРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯДА МУЛОҚОТНИНГ ЎРНИ<https://doi.org/10.5281/zenodo.10055673>**Райимов Тўлқинжон Ғайбуллаевич***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари**Академияси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақола, офицернинг педагогик фаолияда мулоқотнинг ўрни имкониятлари ва таълим бериш жарайёнларида ўзига хос хусусиятлари камчиликлар ва уларнинг бартараф этиши чоралари бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: офицер, педагог, ўқитувчи, инструктор, мураббий, муассаса, соҳа, интеграция, маърифат, конституция.

Офицернинг педагог сифатида ўз бўйсунувчилари билан таълим, тарбия, ривожлантириш мақсадларига қаратилган касбий мулоқотидир. Бу офицер (бошлиқ, командир, ўқитувчи, инструктор, мураббий)нинг ва бўйсунувчининг таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда ўзаро ахборот алмашинади ва бўйсунувчиларга ўқув-тарбиявий таъсир ўтказилади. Педагогик таъсирнинг самарали кечиши учун ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган икки ёқлама мулоқот юзага келиши лозим.

Педагогик мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида офицернинг коммуникатив маданияти мухим ўрин эгаллайди.

Педагог коммуникатив маданиятга эришиш учун қўйидагиларга аҳамият бериши лозим:

■ бўйсунувчини ҳурмат ва диққат билан тинглаш маданияти;

■ ўзига қизиқарли бўлмаса ҳам уни диққат билан тинглаш;

■ бўйсунувчи зерикаётганлигини сезиб, мавзуни бошқа қизиқарли томонга буриб юбориш;

■ суҳбатлашишдан аввал бўйсунувчининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиш;

■ умумхарбий низомлар талабларига мос келадиган мулоқот маданиятини ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўйилади.

Офицернинг коммуникатив кўникмаси педагогик фаолиятдаги мулоқотда мухим рол ўйнайди. Коммуникатив кўникма қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

■ Кишилар билан мулоқотда бўлиш кўникмаси.

■ Бўйсунувчилар билан биргаликдаги фаолиятни самарали ташкиллаштириш кўникмаси.

■ Мақсадга йўналтирилган мулоқотни ташкиллаштириш ва бошқара олиш кўникмаси.

Барча амалга ошириладиган мулоқот акти англашилган бўлади. Инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида ҳар бир нарсани эътиборга олиш керак экан, демак томонларнинг бир-бирларини тушунишларига эришиш лозим. Педагогдаги мавжуд самимийлик, бўйсунувчи ҳурматини ва меҳрини қозона олишлик эса унинг шахсий ҳаёт тушунчалари билан боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашда кундалик ҳаётда ҳам педагог ўз бўйсунувчилари билан бўладиган муносабатларда мулоқотнинг психологоик хусусиятларини ёдда сақлаши ва уни амалга ошириш техникасига риоя қилиши лозим.

Офицер-педагог ўз бўйсунувчиларига таълим ва тарбия берар экан, албатта у раҳбар, бошлиқ вазифасини бажаради. Раҳбарлик вазифасини бажаришда унда педагогик маҳорат, мумомала малакалари ва ўз касбига хос билим, кўнишка ва малакалар шаклланган бўлиши керак.

Маълумки, мулоқотнинг мақсади ва қай даражада амалга оширилишига кўра унинг самарадорлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Яъни мулоқот эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг қондирилиши, мумомма ечими билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига асосланиб, мулоқотнинг самарали ёки самарасизлиги тўғрисида хулоса чиқарса бўлади. Шахслараро муносабат мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келса, бундай ўзаро муносабатлар самарали ва фойдали ҳисобланади.

Мумомала гиришувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келувчи йўл ёки маром ўз навбатида ўша шахсларнинг ўзаро бир-бирларини мавқе бўйича билишни таъминлайди. Мулоқотнинг психологоик тизимиға кўра уни уч асосий қисмга бўлиш мумкин:

Мулоқотнинг коммуникатив томони, яъни маълумотлар алмашинуви функцияси (мумомала субъектларининг ўзаро бир-бирлари билан ахборот, маълумотлар, ҳиссий кечинмалар ва фикр алмашуви жараёни).

Бу жараённинг асосий воситаси бўлиб нутқ хизмат қиласи. Маълумки, алоқа воситаси сифатида нутқнинг икки тури фарқланади: ёзма нутқ ҳамда оғзаки нутқ. Оғзаки нутқнинг ўзи диалогик ва монологик турларга бўлинади.

Диалогик нутқнинг мазмуни, унинг характеристи, давомийлиги мулоқотга киришган кишиларнинг шахсий қарашларига, қизиқишиларига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ бўлади.

Монологик нутқ эса бир кишининг бошқа кишига ёки кишилар гуруҳига нисбатан мурожаати бўлиб, фикрларнинг мантиқан тугал бўлиши, гапираётган пайтда грамматик қонун-қоидаларга риоя қилиш кераклиги каби шартлари мавжуд. Нутқ тўғрисида кейинроқ батафсил маълумот берилади.

Одамлар мулоқот жараёнида сўзлардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан, ҳолатлардан, кулгу, оҳанглар ва бошқалардан ҳам фойдаланадилар.

Қилиқлар, мимика, оҳанглар, тўхташлар (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодалари ва бошқалар ўзаро мулоқотнинг нутқсиз воситалари бўлиб, улар мулоқот жараёнини янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулоқотнинг ўрнини босади.

Гап мулоқотнинг самарадорлиги тўғрисида борар экан, шу ўринда унинг техникаси ҳақида гапириб ўтиш мұхим.

Мулоқот техникаси деганда, унинг самарасини таъминловчи психологик омиллар, воситалар, усувлар тушунилади. Бу шахс ёки гуруҳнинг коммуникатив малакалари ва кўникумлари йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг жозибали ва таъсирчан чиқишида қўлланиладиган барча ҳиссий-эмоционал ва психологик-характерологик услублардан иборат бўлади.

Шундай техниканинг йўқлиги шахснинг бевосита руҳий кечинмалари ва руҳий ҳолатида намоён бўлади ва унда ҳавотирлик, ҳадиксираш, одамовилик, мулоқотдаги омилик ҳислатларини келтириб чиқаради. Натижада, ўзига нисбатан ишончсизлик, мулоқотдан кўзда тутилган натижага эришишга кўзи етмаслик ва шу каби негатив ҳолатлар намоён бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, муомаланинг техникаси деганда, ушбу жараёнда бевосита иштирок этаётган ёки аниқроқ қилиб айтганда, қўлланиладиган нутқий воситалар назарда тутилади.

Маълумки, одамлар ўзаро мулоқотга киришганида, энг самарали ва табиий сўзлашиб воситаси бўлмиш нутқдан фойдаланадилар, унинг таъсирчанлиги ва кучи ўша сўзловчиларнинг малакаларига, тажрибасига ва ҳаётий кўникумларига, тил бойликларидан қай даражада оқилона фойдалана олишларига боғлиқ.

Ўзбек тили шу қадар жозибали, гўзал ва бойки, нотиқлик маҳорати унинг барча имкониятларидан ўз ўрнида ва моҳирлик билан фойдаланишга боғлиқ. Лекин ана шу нутқий мулоқот ўз навбатида уни ҳиссий жиҳатдан тўлдирувчи нутқсиз воситалар билан ҳам бойитиладики, унга ўша сухбатдошларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашишларидан тортиб, то товушлар, интонациялар, тўхталишлар, оҳанглар ва эмоционал қўллаб-қувватлаш механизмлари киради.

Нутқда ишлатиладиган пауза – тўхталишлар ёки юз ифодалари – мимикаларнинг ўринли ишлатилиши сухбатдошни руҳан мулоқотдош шеригига яқинлаштиради ёки ноўрин ишлатилган муқомлар, ортиқча ҳаракатлар, ҳиссий кечинишлар уни қониқтирмаслиги, сухбатдошини эса зериктириши табиий ҳолдир.

Мулоқотнинг интерактив томони, яъни хулқ-атворни бошқарув функцияси (мулоқотга киришувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларининг хулқ-атворларига таъсир жараёни).

Мулоқотнинг бу хусусияти кишиларнинг мулоқот жараёнинда биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор

қобилияларни намоён қилишлари мумкин. Шу туфайли педагог бўйсунувчи шахсиға мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин. Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у бемаъни, мақсадсиз, қуруқ гаплардан иборат бўлмаса, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларини, уларнинг установкаларини ўзгартириш имкониятига эга.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишадики, улар ўқитувчи ролиға зид бўлмаслиги керак. Ўз ролиға мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар деб аталади. Офицернинг ўз бўйсунувчилари билан мулоқотида ҳам унинг ҳаракатларига қўйиладиган талаблар мавжуд. Бу талаблар умумхарбий низомлар кўрсатмаларидан, ўқитувчи одоби ҳамда умуминсоний ва миллий одоб-ахлоқ қоидалари мазмунидан келиб чиқади.

Бундан ташқари, офицернинг шахсий обрўси, ҳарбий жамоадаги мавқеи ва бошқа шу каби кўрсаткичлар ҳам шахслараро мулоқотнинг самарадорлигида катта аҳамиятга эга.

Мулоқотнинг перцептив томони, яъни ҳиссиётлар алмашинуви функцияси (мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини тўғрироқ, аниқроқ идрок қилиш ва баҳолашларини таъминловчи жараён).

Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари ва аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Олимларнинг аниқлашларига кўра, одамларнинг бир-бирларини идрок қилишлари идентификация, рефлексия ва стереотипизация механизмларидан иборат бўлади.

Идентификация – мулоқот жараёнида сұхбатдошлар бир-бирларини тўғри идрок қилиш мақсадида ўзидағи билимлар, тасаввурлар, хислатлар орқали бошқа бирорни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини бирор билан солиштириш, ўзларини бир-биралининг ўрнига қўйиб кўришдир.

Рефлексия – мулоқот жараёнида сұхбатдошининг позициясида туриб, ўзини тасаввур қилиш, ўзига бирорнинг кўзи билан қарашга интилишдир.

Стереотипизация – одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган, кўнишиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳоллариdir.

Ушбу тизимнинг ҳар бир томони муомаланинг зарурий ва муҳим таркиблари ҳисобланиб, унинг учинчи бўлаги шахслараро таъсир ўтказиш учун муҳимдир.

Чўнки муомалага киришувчи шахслар бир-бирларини яхши тушунишлари учун, аввало, сұхбатдошининг юзи, ҳиссий кечинмаларини идрок қилган ҳолда фикран унинг мавқеида турар билиши, ўзини унинг ўрнида ҳис қилиб, ўзида ҳукм сураётган ҳис-туйғулар доирасида унинг ҳолатига киришга интилиш (идентификация), қолаверса, бу жараёнда индивидуал ва ижтимоий онгда мавжуд бўлган мутлақ

стереотип, онгда ўрнашиб қолган тасаввурлардан фойдаланиши (стереотипизация) ушбу жараён түғри кечишини таъминлаб туради.

Лекин бу жараёнлар шунчалик тез ва қисқа муддатда кечадики, шахс баъзан ўзидағи ана шундай қиёслашларни онгсиз равища, ҳаётий тажриба орқали ўрнашиб қолган шаблонлар – қолiplар асосида амалга оширади, шунинг учун айрим ҳолларда мулоқот самарасиз ёки хато кечиши мумкин. Ана шундай хатоликларга олиб келувчи жараён ижтимоий психологияда каузал атрибуция деб аталиб, унинг моҳиятини шахснинг кўпинча ўз ҳиссий кечинмалари ва тасаввурларида ўрнашиб қолган қолiplардан нотўғри фойдаланиш натижаси ташкил этади.

Масалан, ташқи қиёфаси кўримсиз бўлган курсантнинг имтиҳон саволларига жавоб бераётганлигини идрок қилаётган ўқитувчи, негадир, унинг қониқарсиз жавоб берниши, билими етарли эмаслиги ҳақидаги нотўғри тасаввурга эга эканлиги каузал атрибуциянинг айнан ўзиdir. Ана шундай жиҳатларнинг олдини олиш ва мулоқотнинг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг ижтимоий психологик омилларини ҳисобга олиш ва шу асосда ҳар бир шахснинг ижтимоий билимдонлигини юксалтириш амалий аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Б.Абдуллаева Низомий номидаги ТДПУ. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари модули. Т.: 2018-247с.
2. Ю. Асадов., Р. Мусурманов. Ўсмирлар девиант ҳатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик ҳусусиятлари (диагностика, профилактика, коррекция). Т.: 2011-200с.
3. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.
4. Б. Содиқов., Девиант хулқ болалар психологияси. Термиз 2010 йил Т.: 2008 йил